

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

УСТУВОРЛИКЛАР



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу қутлуг айём билан муборакбод этиб, мамлакатимиз ҳаётининг бир йилида рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида маъруза қилди.

Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир

Давлатимиз раҳбари бир йил давомида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзгариш ва ислохотлар ҳусусида тўхталиб ўтди. «Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш – Конституциямизнинг бош мақсадидир.

Ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадлари албатта ошиб бормоқда. Шундай бўлса-да, бу борада ҳали Ҳукумат, марказий иқтисодий идоралар ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар олдида кўплаб вазифалар турибди», деди Президент.

«Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-тороқликни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инқирозга учрайди». Машҳур хитой файласуфи Сунь Цзининг ҳикматли сўзларини Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда эслатиб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари иқтисодиёт тизимидаги мавжуд аҳвол ҳақида тўхталиб, «Кўп йиллар давомида солиқ юкининг юқори бўлгани мамлакатда «хуфиёна» иқтисодиёт улушининг ортиб кетишига шароит яратди», дея қайд этди.

«Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, биз авваламбор иқтисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жобибадорлигини ошириш учун Солиқ сиёсати-

ни такомиллаштириш концепциясини қабул қилдик. Бу концепция устида биз узоқ ишладик. Мазкур ҳужжат лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги, бизнес ҳамжамияти, халқаро молиявий ташкилотлар, нуфузли экспертлар томонидан кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Концепция асосида солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун ҳозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставкаси ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик сугурта бадалли эса бекор қилинди.

Бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгарики 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва таълим бўйича мақсадли жамғармаларга 3,2 фоиз миқдоридан ошадиган мажбурий тўлов бекор қилинди.

Божхона тўлов ставкалари қайта кўриб чиқилиб, 3,5 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайтирилди.

«Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорларимизни маҳсулотлар, иш ва хизматларни экспорт қилишда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этиш назарда тутилмоқда», деди Президентимиз мазкур маърузасида.

ЎЗА асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Сув таъминоти: хусусий шериклар барча солиқлардан озод этилади

Пойтахт сув таъминоти ва канализация тизими модернизация қилинади: соҳада хусусий операторлар пайдо бўлади; давлатнинг хусусий шериклари 3 йилга барча солиқлардан озод этилади (Президентнинг 30.11.2018 йилдаги ПҚ-4040-сон қарори).

Сув таъминоти ва канализация соҳасида – давлат-хусусий шериклик механизмларининг кенг қўламдаги интеграцияси:

➤ Тошкент шаҳрида хорижий маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда шаҳар сув таъминоти ва канализация тизимини модернизация қилиш ва бошқариш бўйича лойиҳа амалга оширилади;

➤ Андижон, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида апробация қилинган сув таъминоти ва канализация объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш шакллари бошқа қишлоқ аҳоли пунктларида жорий этилади;

➤ 2019 йил 1 июлга қадар Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши сув таъминоти ва канализация тизимларини хусусий субъектларга бошқаришга бериш бўйича барча ҳужжатлар тайёрланади ва таллов ўтказилади;

➤ халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, канализация-тозалаш иншоотларида ҳосил бўлган қўйқадан самарали фойдаланиш бошланади.

Сув таъминоти ва канализация тизимлари объектларини модернизация қилиш, самарали бошқариш ва улардан фойдаланиш, шу жумладан, маҳаллий тозалаш иншоотларини жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш учун таклифлар 2019 йилнинг июль ойига тайёрланади.

Шу муддатга келиб малакали хусусий оператор компаниялар (хусусий шериклар) билан музокаралар ўтказилади ва уларнинг очик рўйхати шакллантирилади. Кейинчалик улар сув таъминоти ва канализация объектлари, шу жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида маҳаллий тозалаш иншоотларини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатишга ДХШ шартларида жалб этиладилар.

Бу – муҳим! Сув таъминоти ва канализация соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар у имзоланган санадан бошлаб 3 йил муддатга:

➤ ЯИТдан бошқа барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловларни;

➤ мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва шакллантирилмайдиган рўйхатлар бўйича ускуналар, бўтловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларни олиб келишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 30.11.2018 йилдан қўлга кирди.



Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Бу қўшимча тўлов эмас, пул компенсацияси

Имтиёзли стаж қандай ҳисобланади?

7-БЕТ

Мулкчилик шакли ўзгарганда қандай ҳаракатлар қилиш лозим?

8-БЕТ

2019 йил учун иш вақти меъёрининг давомийлиги

Пиллачиликда – қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари

Президентнинг 4.12.2018 йилдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047-сон қарори қабул қилинди.

Худудлардаги аҳолига – бепул кўчат ва паррандалар

Олдин қабул қилинган ҳужжатда (20.08.2018 йилдаги ПҚ-3910-сон) худудларда одамларни иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари) га 50 бошдан 90 кунлик парранда ва тут кўчаларини шартнома асосида бепул етказиб бериш назарда тутилган эди.

Шу муносабат билан 2019–2021 йиллар учун тегишли мақсадли прогноз параметрлари тасдиқланди, бир ой муддатда эса уларнинг бажарилиши бўйича манзилли чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинади.

Устамалар, имтиёзлар, кредитлар компенсацияси

Биринчидан, 2019 йилдан бошлаб «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг таркибига кирувчи ташкилотлар пилла ҳосили учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдорлардан ортиқча пилла топширганда, белгиланганидан юқори бўлган қисмига харид нархиغا нисбатан қуйидагича устама қўлланилади:

➤ 5 килограммгача – 15% миқдориди;

➤ 5 килограммдан юқorigа – 25% миқдориди.

Иккинчидан, пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларнинг қиймати ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг ипак курти уруғини сотиб олиш, тутзорлар барпо қилиш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019–2021 йилларда ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тақдим этилади.

Учинчидан, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилди. Имтиёз мақсадли – бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан, технологик ускуналар сотиб олиш учун йўналтирилади.

Божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан 7 йилгача бўлган, мамлакат-мизда ишлаб чиқарилмайдиган ва «Ўзбекипаксаноат»

уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳисобига олиб қилинган технологик ускуналарга ҳам ушбу муддатга қадар божхона тўловларидан озод этилди.

Божхона имтиёзлари:

➤ имтиёз қўлланилганидан кейинги йилдан бошлаб 3 йил давомида ҳар йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг камида 50 фоизи экспорт қилинганда;

➤ бўшаган маблағларни технологик ускуна олиб қилинган кундан бошлаб дастлабки 2 йил ичида ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилганда қўлланилади.

Мутахассисларни ўқитиш

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини ихтисослашган олий таълим муассасаларидаги «Ипакчилик ва тутчилик» таълим йўналиши бўйича сиртқи бўлимларга белгиланганидан қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартиби жорий этилади.

Лекин ходим умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ва тармоқ ташкилотларида камида 3 йил амалий иш стажига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, корхона контракт тўловини кафолатлайди, ходим битирувчи эса – ўқушни тамомлаганидан сўнг 5 йил давомида тармоқ ташкилотидида ишлаб беришни зиммасига олади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 5.12.2018 йилдан кучга кирди.

Бошқа барча ҳужжатлар ва маълумотларни туман кенгаши мустакил равишда, бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик орқали олади.

Хужжатлар туман кенгашининг ваколатли ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади. Унинг иккинчи нусхаси ариза берувчига юборилади (топширилади). Электрон тарзда тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни тақдим этувчига тегишли электрон билдиришнома юборилади.

Шундан кейин туман кенгаши тақдим қилинган маълумотларнинг ишончлилигини текширади ва тушган кундан бошлаб 2 кундан кечиктирмай аризани Кенгашга юборади. Кенгаш тақдим этилган материалларни қўриб чиқиш натижалари бўйича 3 кун муддатда фермер ҳўжалигини Реестрга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳўжаликнинг кўп тармоқли фермер ҳўжаликларига қўйиладиган талабларга мос келмаслиги рад этиш учун асос бўлиши мумкин.

Кенгаш томонидан ижобий қарор қабул қилинган сана фермер ҳўжалигини Реестрга киритиш санаси ҳисобланади.

Нима учун Реестрдан чиқаришлари мумкин

Қуйидаги ҳолатларда Реестрдан чиқарилади:

➤ ҳўжалик томонидан ихтиёрий чиқариш тўғрисида ариза берилиши;

➤ ҳўжаликнинг тугатилиши;

➤ кўп тармоқли фермер ҳўжалигига қўйилган талабларга мувофиқ эмаслиги.

Кенгаш Реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу тўғрида 2 кун мобайнида Реестрга тегишли ўзгартiriшлар киритади. Шу пайтдан бошлаб фермер ҳўжалиги кўп тармоқли фермер ҳўжалиги макомини йўқотади.

Ҳўжаликнинг Реестрдан чиқарилгани тўғрисидаги маълумот ҳудудий солиқ органларига юборилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.11.2018 йилдан кучга кирди.

Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари реестрга киритилади

Ҳўжаликлари реестрга киритиш тартиби, ҳужжатларни тақдим этиш ва аризани қўриб чиқиш тартиб-таомиллари, шунингдек ундан чиқариш ҳолатлари Вазирлар Маҳкамасининг 29.11.2018 йилдаги 972-сон қарорида белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 9.10.2017 йилдаги ПФ-5199-сон Фармонида биноан 2021 йилнинг охирига қадар барча фермер ҳўжаликлари кўп тармоқли бўлишлари ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш, саноат ишлаб чиқариш ва бошқа таққиланмаган фаолият турларини ҳам ўзлаштиришлари керак. Акс ҳолда, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб бу шартни бажармаганлар билан ер ижараси шартномалари бекор қилинади.

Кўп тармоқли бўлиш учун реестрга киритиш керак

Ҳўжалик Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) киритилган кундан бошлаб «кўп тармоқли» макомга эга бўлади. У вилоятлар ва туманлар кесимида электрон маълумотлар базаси шаклида юритилади.

Бундай Реестрни юритиш шу жумладан, кўп тармоқли ҳўжаликларга нисбатан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турлари бўйича ЯСТни тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш имкониятини беради.

Реестр ҳўжаликларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб шакллантирилади ва уларнинг номи, жойлашган жойи, СТИР, КТУТ, ўз асосий воситалари рўйхати (ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар) ва ҳ.к.ни ўз ичига олади. Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) расмий веб-сайтида эълон қилинади (жойлаштирилади). Ҳўжаликнинг Реестрга киритилгани тўғрисидаги кўчирмани фойдаланувчилар сайт орқали, ҳеч қандай чекловларсиз олишлари мумкин.

Қаерга мурожаат қилинади ва қандай ҳужжатлар зарур

Кенгаш Реестрга маълумотларни киритади, уни юритади ва шакллантиради. Фермерлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва дастлабки қўриб чиқишни эса туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига (кейинги ўринларда – туман кенгаши) амалга оширадilar.

Эътибор беринг! Фермер ҳўжалигини Реестрга киритиш ихтиёрий равишда ва бепул амалга оширилади.

Бунинг учун ҳўжалик ўзи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича тегишли туман кенгашига белгиланган шаклда ариза бериши кифоя. Ариза бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда туман кенгашининг электрон почта манзилига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

➤ СТИР ва КТУТ нусхаси;

➤ кўп тармоқли фермер ҳўжалигининг ихтисослашуви тўғрисидаги маълумотлар;

➤ ишлаб турган ўз асосий воситаларининг рўйхати нусхаси;

➤ молиявий кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисобот нусхаси (ҳўжалик томонидан тасдиқланган);

➤ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши бўйича фаолият, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг бошқа турлари амалга оширилишини тасдиқловчи (фермер ҳўжалиги томонидан тасдиқланган) шартномалар ва ҳисобважар-фактуралар нусхаси (бажарилган ишлар далолатномаси ва шу қабилар).

Олег Заманов, Ленера Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

УШБУ СОНДА

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этиш **1-2-бетлар**

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Қўшимча харажатларни қоплаш учун

– Амалдаги давомийлиги бўйича ҳисобга олинадими?

– Парвариш қилганига қараб стаж

– Стажга қараб

– Маълумотлар бўлмаса – энг кам иш ҳақидан

– Қулай ва сансалорликларсиз

– Йўлланма ҳар йили берилмайди

– Байналмилал бурчини адо этиб

– Ҳозирча асослар йўқ

– Аллоҳида қўшимча ҳақ

– Вақтида мурожаат қилиш керак эди

– Меҳнат фаолияти бошланган кунга қайтиб

– Бир йил ўрнига уч йил ҳисобланади

– Ишсиз бўлса-да, муддатидан олдин пенсияга чиқиш мумкинми?

– Уларни тасарруф эта олмайдилар

– Ўзингизни синаб кўринг **3-6-бетлар**

• ҲўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Тугатиш ёки ворисни излаш лозим

– Директор ўзгарганда ташкилий тузатишлар

– ХКни МЧЖга ўзгартiriш хижатлари **7-бет**

• СЎНГИ САҲИФА

– «Қайтимиға сақик олинг»...

– 2019 йил учун иш вақти меъёрининг давомийлиги **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат бидирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланганидан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarі birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу сонда экспертларимиз ва Пенсия жамғармаси мутахассислари турфа хил саволлар юзасидан тушунтиришлар берганлар. «Пенсия иши»ни мунтазам ўқиб борадиган газетхонларимиз охириги саҳифада берилган тест саволларини осонгина ечиб, ўз билимларини текшириб кўришлари мумкин.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига йўлланг.

Расмий жавоб

Қўшимча харажатларни қоплаш учун

? *Хозир пенсионерлар нон учун қўшимча тўлов олишлари мумкин деб эшитдим. Бунинг учун нима қилиш зарурлигини тушунтириб берсангиз. Қайси пенсионерлар қўшимча тўлов олиш ҳуқуқига эга бўлади? Уни расмийлаштириш учун қаерга мурожаат қилиш зарур? Қандай ҳужжатларни тақдим этиш лозим?*

Д.Азимбоева. Тошкент ш.

— Бу қўшимча тўлов эмас, балки Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (13.09.2018 йилдаги 731-сон) билан жорий этилган ҳар ойлик пул компенсациясидир.

2018 йил 1 октябрдан бошлаб:

- ёшга доир, ногиронлиги бўйича нафақа;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандаги);
- болалигидан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа;
- ногирон бўлган 16 ёшгача болаларга нафақа;

➤ ёшга доир пенсиянинг белгиланган миқдоридан кам пенсия ва нафақа бўйича ҳар бир нафақа олувчига ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10% миқдоридан кам ойлик пул компенсацияси тўланиши жорий этилди.

Компенсация олиш учун ҳеч қаерга мурожаат қилиш керак эмас, қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди. Барча маълумотлар Пенсия жамғармасининг пенсия ва нафақа олувчилар маълумотлар базасидан олинади.

Бундан ташқари, ушбу компенсация маҳалла кўмиталари орқали тўланадиган нафақаларни олувчилар учун ҳам назарда тутилган.

БУГУНГИ СОНДА:

СТАЖГА ҚАРАБ

Хорижлик –
у ҳам пенсионер

3

ҚУЛАЙ ВА
САНСАЛОРЛИКЛРСИЗ

Раҳбар буни билиши
керак

3

АЛОҲИДА
ҚЎШИМЧА ҲАҚ

«Хизмат кўрсатган» –
унвон мудом ўз кучида

5

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ
КЎРИНГ

Ақл учун машқ

8

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот кўмағида тайёрланди.

Маевзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Амалдаги давомийлиги бўйича ҳисобга олинадими?



Холам бир умр қишлоқ жойда яшаган, деҳқончилик билан шуғулланган. Ҳозир биз билан бирга шаҳарда яшайпти. Ёши бўйича аллақачон пенсия олиши керак эди. У қаерга муурожаат қилиши керак, унинг стажи қандай ҳисобга олинади?

Малика Б. Тошкент ш.

— Холангиз шаҳарда прописка қилинган бўлса, яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг шаҳар бўлимига пенсия тайинлашни сўраб муурожаат қилиши керак. Агар шаҳарда прописка қилинмаган бўлса, қишлоқ жойдаги доимий яшаш жойи бўйича.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда, қорамол етиштириш ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлиш давлари меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Агар деҳқон хўжалиги аъзоси ёки совхоз ходими ушбу йилда 12 ой ишлаган ва камида 9 ой мобайнида сугурта бадаллари тўлаган бўлса, деҳқон хўжалиги аъзосининг, шунингдек совхоз ходимининг иш стажига бир календарь йил қўшиб ҳисобланади.

Бошқа ҳолларда стаж сугурта бадаллари тўланган ойлари сонига мутаносиб равишда ҳисобга олинади (Низомнинг 44–46-бандлари, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Жамоа хўжалигида ишлаган бўлса, 1965 йилдан кейинги давр учун иш стажини ҳисоблаб чиқишда, агар жамоа

хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Агар жамоа хўжалиги аъзоси жамоа хўжалигида меҳнатда иштирок этишнинг белгиланган минимумини жамоа хўжалиги аъзолари таркибига қабул қилиш (чиқиш) йилида бажарган бўлса, у ҳолда унинг иши стажи жамоа хўжалиги аъзолари таркибига қабул қилинган санадан (чиқиш санасигача) бошлаб қабул қилинади.

Жамоа хўжалигида меҳнатда иштирок этишнинг белгиланган минимумини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, меҳнатнинг амалдаги давомийлиги бўйича иш вақти ҳисобга олинади.

1965 йилгача бўлган даврда жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқишда, ушбу йилдаги меҳнат билан қатнашиш кўнлари сонидан қатъи назар, ҳар бир ишлаб берилган йил иш стажига бир календарь йил сифатида қабул қилинади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси; 252-сон Низомнинг 35-банди).

Парвариш қилганига қараб стаж



Онам — I гуруҳ ногирони. Ёши 68 да. Ишдан бўшаб, унга доим қараб турсам, пенсияга чиқаётганимда бу вақтни стажга қўшиб ҳисоблайдиларми?

Анна Ф. Тошкент ш.

— I гуруҳ ногиронига қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси).

Бунда шунга ёдда тутиш лозимки, ушбу давр умумий иш

стажи камида 7 йил бўлган тақдирда ва фақат қараб турган ва қараб туришга муҳтож бўлган шахс билан бирга яшаган шахслардан бирининг иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Маълумот учун!

I гуруҳ ногиронига қараб туриш вақти:

➤ қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси;

➤ ногиронликда бўлганлиқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси қараб турилган шахслардан, шунингдек уларнинг кўшнларидан сўраб чиқишда олинган маълумотлар асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади.

Далолатномаларни расмийлаштиришнинг даврилиги ҳар 12 ойга белгиланади. Текшириш далолатномалари I гуруҳ ногиронининг пенсия ишига тикиб қўйилади ва қараб турган шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Стажга қараб

? Тошкентда яшайман, яшаш гувоҳномасига эгаман. Ўзбекистонда ишламаганман. Бироқ Беларусдаги аввалги яшаш жойимда кутубхоначи бўлиб ишлаганман (18 йил). Пенсия олишга ҳақлиманми?

О.Лисовская.

— Ҳа, пенсия олиш ҳуқуқига эгасиз (Қонуннинг 1-моддаси).

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахс-

ларга чет элдаги иши Ўзбекистонда ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда стажга қўшилади (Қонуннинг 40-моддаси).

Маълумотлар бўлмаса — энг кам иш ҳақидан

? Архивда иш ҳақим тўғрисида маълумотлар йўқ. Бу ҳолда пенсия ҳисоблаб чиқараётганда иш ҳақини қандай аниқлайдилар?

Е.Анисимова, Тошкент ш.

— Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади (Қонуннинг 31-моддаси).



Абдурашид Исмоилов,

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Раҳбарлар эътиборига

Қулай ва сансалорликларсиз

Ходимлари меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда олинган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсияларини оладиган ташкилотларнинг ПЖга қопловчи тўловни тўлаш муддатлари ўзгартирилди.

Илгари ташкилотлар мазкур пенсияларни тўлаш харажатлари суммасини ҳар ойда, у тўланган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача Пенсия жамғармасига қўлаб бераддилар.

Ташкилотларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ПЖ харажатларини қўлайдиган тўловни ўтказиш муддати ўзгартирилди (ВМнинг 25.09.2018 йилдаги 766-сон қарори). Энди ташкилотлар ҳар ойда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда олинган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсиялари тўланган ойдан кейинги ойнинг 25-санасигача Пенсия

жамғармасининг мазкур харажатларини қўлашлари керак (Низомнинг 4-банди, ВМнинг 23.12.2014 йилдаги 357-сон қарорига 1-илова).

Шу билан бирга Пенсия жамғармаси билан Давлат солиқ қўмитаси ўртасидаги электрон ҳамкорлик натижасида ташкилотларнинг шахсий картончаларига қўпаниши лозим бўлган суммалар ҳақидаги ахборотни автоматик равишда юклаш тизими амалиётга жорий этилди.

Бундан ташқари, мазкур ташкилотлар бундай тўловлар юзасидан солиқ органларига ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод қилинди.

www.pfru.uz хабари асосида.



Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бизга мактуб йўллабсиз

Йўлланма ҳар йили берилмайди



Отам – пенсионер, II гуруҳ ногирони. Ўтаган йили бепул йўлланма бўйича санаторийда даволанди. Бу йил яна йўлланма сўраб муурожаат қилди, бироқ унга йўлланма ҳар йили берилмайди, дебдилар. Шу тўғрисида?

К.Раунов. Тошкент ш.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар 2 йилда 1 маротаба (навбат асосида) йўлланма олиш ҳуқуқига эга (АВ томонидан 27.04.2012 йилда 2356-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 4-банди).

Байналмилал бурчини адо этиб



Ҳозир кимлар уруш ногиронларига тенглаштирилишини айтиб берсангиз.

А.Р. Тошкент ш.

– Куйидаги ногиронлиги бўлган шахслар уруш ногиронларига тенглаштириладилар (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 2-илова):

а) собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар;

б) 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган ҳамда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядларда хизмат қилган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

в) темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида ишлаган, мудофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ҳамда 1941–1945 йиллардаги уруш даврида уруш бўлаётган жойларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ходимлар;

г) 1941–1945 йиллардаги уруш даврида партизан отрядлари ва қўшилмалари таркибида ёки яширин ишларда бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

д) ҳаракатдаги армия таркибидаги ишларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёлланган таркибдаги шахслар;

е) 1941–1945 йиллардаги уруш даврида фашист концлагерларида (гетто ва зўрлик билан тутиб туриладиган бошқа жойларда) бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар (тутқунлар, шу жумладан, болалар);

ж) тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида қатнашиш, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда байналмилал бурчларини адо этиш туфайли яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;



Маълумот учун!

Болани парваришлаш таътилида бўлиш ВАҚТИ таътил берилиши ва ундан қайтиш тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда ташкилот томонидан берилган МАЪЛУМОТНОМАЛАР асосида БЕЛГИЛАНАДИ.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

э) ҳарбий хизматдаги вазифаларини (хизмат вазифаларини) бажариш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таржибидан бўлган шахслар;

и) ўқув машғулотида ёки текшириш учун йиғинларга чақирилган ва шу йиғинларда ўз хизмат бурчларини бажараётиб яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий мажбуриятли шахслар.

Ҳозирча асослар йўқ

? Мен ишлайман (стажим – 19 йил), болаликдан ногирон фарзандим бор. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан аввал пенсияга чиқа оламанми?

Умида С. Тошкент ш.

– Сиз тақдим этган маълумотдан келиб чиқилса, аини пайтда имтиёзли пенсия олишга ҳақли эмассиз.

Биринчидан, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажикамида 20 йил бўлган тақдирда, охириги иш жойидан қатъи назар, ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда (аёлларга – 50 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 12-моддаси «з» банди).

Иккинчидан, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун бола 8 ёшгача ногирон бола деб эътироф этилганлигини тасдиқловчи ТМҚнинг тиббий хулосасини ёки ТМЭҚнинг ногиронлиқни белгилаш учун асос ҳисобланадиган касаллик бўйича даволаш-профилактика муассасасида ҳисобда турганлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этиш зарур (252-сон Низомнинг 26-банди).

Алоҳида қўшимча ҳақ

? Мен ишловчи пенсионерман, «Хизмат кўрсатган» фахрий унвонига эгаман. Агар ишламасам, унвон учун қўшимча ҳақ сақланиб қоладими?

В.Толипов. Тошкент ш.

– Ҳа, сақланиб қолади, сабаби ишламайдиган пенсионерларга фахрий унвонлар учун ҳақ ҳисобланади (252-сон Низомнинг 114-банди).

Илгари амалда бўлган қонун ҳужжатлари асосида берилган фахрий унвонлар эгаларига тўловлар амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади (ВМнинг 3.01.2008 йилдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди).

Фахрий унвон учун қўшимча тўлов, пенсияга устама ҳақларнинг сони ва миқдорларидан қатъи назар, амалга оширилади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан олувчининг яшаш жойидаги унинг бўлимлари орқали тўланади (2-сон Низомнинг 5-банди).

Бунинг учун ишдан бўшаганингиздан кейин яшаш жойингиздаги Пенсия жамғармаси бўлимига қуйидагиларни тақдим этишингиз керак:

➤ фахрий унвон бериш тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек унинг нусхаси;

➤ фахрий унвон учун тўловни амалга оширишга берилган ариза;

➤ ариза берувчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат – ҳарбий хизматчилар учун), шунингдек унинг нусхаси.

Фахрий унвонлар учун пенсияга қўшиб бериладиган тўловлар кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб амалга оширилади (252-сон Низомнинг 16, 165-бандлари; 2-сон Низомнинг 8-банди).



Маълумот учун!

Ўқиш даврида академик таътиллarda бўлиш **ВАҚТИ**, шунингдек тайёрлов курсларида ўқиш даври **СТАЖГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНМАЙДИ**.

Вақтида мурожаат қилиш керак эди



Турмуш ўртоғим вафот этди. У пенсия олишга улгурмади. Ўшандан буён 2 ой ўтди. Уни ҳозир олишим мумкинми?

М.К.

— Афсуски, йўқ. Пенсия олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули, уни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 60 кун ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади (Қонуннинг 63-моддаси).

Меҳнат фаолияти бошланган кунга қайтиб



Меҳнат дафтарчамда фамилиям нотўғри ёзилган, кейин у тўғирланган. Шундай ўчириб ёзилганича сақланган. Ҳозир Пенсия жамғармаси бўлимидагилар уни берган ташкилотдан маълумотнома, шунингдек стажимни тасдиқловчи маълумотнома талаб қилишяпти. Меҳнат дафтарчаси берилганлиги ва стажни тасдиқлашим шартми?

Р.А. Тошкент ш.

— Ҳақиқатан ҳам, агар меҳнат дафтарчасида кўрсатилган маълумотлар паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича исмингиз, отангизнинг исми ёки фамилиянгиз билан мос бўлмаса, ушбу ҳужжатнинг сизга тегишлилиги ҳолати фақат меҳнат дафтарчасини

ёки иш стажы тўғрисидаги бошқа ҳужжатни биринчи марта берган ташкилот томонидан тасдиқланиши мумкин. Бошқа барча ҳолларда ҳужжатларнинг тааллуқлилиги суд томонидан белгиланиши шарт (252-сон Низомнинг 80-банди).

Зафаржон Хўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

Буни билган яхши

Бир йил ўрнига уч йил ҳисобланади

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидagi иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш — **УЧ ҲИССА баробарида**;

б) 1941–1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидagi иш ва «а» бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат — **ИККИ ҲИССА баробарида**;



в) имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган (Қонун 10-моддасининг «а» ва «б» бандларида ҳамда 11-моддасининг «а» бандига мувофиқ), эркакларда 10 йилдан ортқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил — **ИККИ ҲИССА баробарида**;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда,

Маълумот учун!

ПЕНСИЯ тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ, бироқ кўпи билан 12 ой учун расмийлаштирилган **ИШОНЧНОМА БҲҲҲ** амалга оширилиши мумкин.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юкумли касалликлар муассасаларида ишлаш – ИККИ ХИССА баробарида;

д) 252-сон Низомга 3-иловага мувофиқ патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши – БИР ЯРИМ ХИССА баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатагон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти – БИР ЯРИМ ХИССА баробарида.

Иш стажини имтиёзли ҳисоблаш тартиби Қонун бўйича тайинланадиган пенсияларнинг барча турлари учун қўлланади.

Ишсиз бўлса-да, муддатидан олдин пенсияга чиқиш мумкинми?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш ҳўсўсиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар (эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлганда, аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлганда) пенсия олиш ҳўқўқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан фуқаро бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларига ёшга доир пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳўжатларга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман (шаҳар) Бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномасини тақдим этиши лозим.

Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган тақдимнома

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан **муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўлиб ҳисобланади.**

Мисол учун: аёл киши 53 ёшга тўлиб, 20 йил иш стажига эга бўлиб, ишлаб чиқариш корхонасида иш ўринлари камайганлиги сабабли иш ўрни қисқартирилди. Ушбу фуқаро ҳўдудий Бандликка қўмаклашиш марказига мурожаат қилади ва унга ўрнатилган тартибда Марказ томонидан ишсизлик мақоми берилгандан сўнгра фуқарога муддатидан олдин (53 ёшда) ёшга доир пенсия тайинланиши мумкин.

pfru.uz.

Хориж тажрибасидан

Ўзлари тасарруф эта олмайдилар

РФ Давлат думаси жамғариб бориладиган пенсия «музлатилишини» 2021 йилгача узайтириш тўғрисида ҳўкумат қарорини қабул қилди.

Пенсия жамғармаси мажбурий пенсия сўгурта бадаллари сўгурта пенсиясини молиялаштиришга тўлиқ йўналтирилаётганидан келиб чиқиб уларни ҳисобга олишга мажбур бўлади.

Бунда, Дума қўмитаси раҳбари Ярослав Нилов аниқлик киритишича, ҳўжат 1967 йилдан кейин тўғилган ва жамғариб бориладиган пенсияни шакллантириш тўғрисида РПЖга ихтиёрий равишда ариза берган шахсларгагина тааллуқли. У навбатдаги «музлатиш» – муаммо ечимини кейинга қолдириш ҳолос, дея қайд этиб ўтди.

2014 йилдан буён россияликларнинг иш ҳақидан 6%

миқдориди пенсиянинг жамғариб бориладиган қисмига ажратмалар ҳўзирги пенсионерларга тўловларни тўлаш учун йўналтирилмоқда.

Бунгача фуқаролар уни мустақил равишда тасарруф этишлари: ўз пенсия жамғармаларини шакллантиришга йўналтиришлари ёки сўгурта пенсияларини ҳисоблаш учун балларни ошириб, сўгурта қисмига ўтказишлари мумкин эди.

Ўтган йили пенсия жамғармалари «музлатилишини» 2020 йилгача узайтирган эдилар.

Манба: Новости РАО.

Маълумот учун!

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги **ҲўЖОЖАТЛАР** улар келиб тушган кўндан бошлаб 10 кўндан кечиктирмай **ҚўРИБ** чиқилади.

Маевувиё сонни Алла Ромашко олиб боради.

Сўнгсўз ўрнида

Ўзингизни синаб кўринг

Газетамизни қанчалик диққат билан ўқийшингизни текшириб кўриш пайти келди. Бирон маълумотни эслай олмасангиз – зарари йўқ. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, доим ўз билимингизни оширишингиз мумкин. Омад ёр бўлсин!

1. Меҳнат мигрантларига пенсия ҳисобланаётганда хориждаги иш стаж инобатга олиниши учун улар қанча миқдорда сугурта бадали тўлашлари лозим?

- а Ойига камида 1 ЭКИХ.
- б Меҳнат мигрантлари сугурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар.
- в Йилига 4,5 ЭКИХ.

2. Агар бола болаликдан ногирон бўлса, қайси ёшдан нафақа сўраб мурожаат қилиш мумкин?

- а Нафақа тайинлашни сўраб исталган пайтда муайян муддат билан чекланмасдан мурожаат қилиш мумкин.
- б Барча зарур ҳужжатларни олган кундан бошлаб (тиббий муассаса маълумотномаси, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, боланинг яшаш шароитлари тўғрисида маҳалла кўмитасидан дололатнома).
- в Бола туғилганидан кейин 1 йил давомида.

3. Декрет тўловлари суммасидан ва бу даврда меҳнатга лаёқатсиз бўлганда сугурта бадаллари тўланадими?

- а Ҳа, тўланади.
- б Ушбу давр учун меҳнат стажига мутаносиб равишда қисман тўланади.
- в Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар, шунингдек вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларига сугурта бадаллари солинмайди, сабаби улар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланмайди (Солиқ кодексининг 178-моддаси).

Натижалар

Ҳар битта тўғри жавоб учун – 1 балл.

Сизнинг натижангиз: 6 балл – аъло натижа. Пенсия таъминоти масалаларидан жуда яхши хабарингиз бор.

3–5 балл – шубҳасиз, кўп маълумотга эга сиз. Бироқ тўлиқ ишонч билан жавоб беришингиз учун билимингиз бироқ камлик қилапти. «Норма маслаҳатчи»ни ўқиб боринг, ана шунда қонунийликдаги янгиликлардан доим бохабар бўласиз.

3 балл ва ундан кам – афсуски, билимингиз жуда оз. Ёдингизда бўлсин, билим – куч демак. Аянқсиз пенсия ёшида бу жуда кўп келади. «Норма маслаҳатчи»ни ўқиб боринг, ундаги фойдали маълумотлар билимларингизни оширади.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 14.08.2018 йилдаги 33, 18.09.2018 йилдаги 37–38, 13.11.2018 йилдаги 46-сонларида чоп этилган.

Маъзуевий сонни Алла Ромашко олиб боради.



4. Ёлғиз пенсионерлар коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича пул компенсацияси олишга ҳақлими?

- а Ҳа, барча ёлғиз пенсионерлар пул компенсацияси олишга ҳақли.
- б Ўзганинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар ойлик компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга.
- в Йўқ, фақат кексалик бўйича нафақаларни олувчилар ушбу ҳуқуққа эга.

5. Тадбиркор унинг тадбиркорлик фаолияти тўхтатиб турилган давр учун сугурта бадалларини тўлашга ҳақлими?

- а Ҳа, мумкин, бироқ кўпи билан 8 ой учун.
- б Ҳа, мумкин, бироқ кўпи билан 12 ой учун.
- в Бунга ҳақли эмас. Ушбу давр учун тўловлар тўланмайди.

6. Кишида стаж бўлса-ю, бироқ бу давр учун сугурта бадаллари тўланмаган бўлса, пенсия қайси суммадан ҳисоблаб чиқарилади?

- а Бадаллар тўланмаганлиги боис пенсия 1 ЭКИХдан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади.
- б 0,5 ЭКИХдан келиб чиқилади.
- в Пенсия ҳисоблаб чиқарилаётганда сугурта бадаллари тўланмаган даврлар ҳисобга олинмайди.

Ўқувчи: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50

Тугатиш ёки ворисни излаш лозим

МЧЖда битта муассис бор. Фаолият тури – тикув ишлаб чиқариши. Устав фонди пул, тикув машиналари, фурнитур ва мебель (столлар, стуллар) билан шакллантирилган. Муассис муассисликдан чиқишга қарор қилди. Утган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси бор. МЧЖдан чиқаётган муассис ўз улушини пул билан олиши мумкинми? Ёки у устав фондига киритган товарларни олиши керакми?



– Ҳа, иштирокчи ўз улушини сотиши (ўзга тарзда бошқаларнинг фойдасига воз кечиши) ёки МЧЖни тугатиши мумкин.

МЧЖ иштирокчилари (муассислари) таркибидан чиқиш тартиби «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

Ягона иштирокчи МЧЖ таркибидан чиқа олмайди, сабаби корхона иштирокчисиз мавжуд бўла олмайди.

Иштирокчининг мақсадига қараб 2 та вариантни қўллаш мумкин:

1) иштирокчи МЧЖни ёпиш ниятида – бу ҳолда у ихтиёрий тугатиш таомилини бошлайди (27.04.2007 йилда ПҚ-630-сон қарор билан тасдиқланган Низом). Натижада иштирокчи кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини олади (Қонуннинг 8-моддаси);

2) иштирокчи корхонани ёпиш ниятида эмас – бу ҳолда ўз улушини учинчи шахсга сотишга ёки унинг фойдасига воз кечишга ҳақли (Қонуннинг 8, 20-моддалари).

Директор ўзгарганда ташкилий тузатишлар

МЧЖнинг директори ўзгарди.

1. Бу ҳақда қайси ташкилотларни хабардор қилиш зарур?
2. Берилган лицензияларга қўшимча шартномаларни тузиш керакми?
3. ЭРИни алмаштириш керакми?

1) МЧЖ директори ўзгарганда қуйидагиларни хабардор қилиш зарур:

➢ директор ўзгарган кундан бошлаб давлат солиқ инспекциясини (ҳисобга қўйилган жойдаги) (Солиқ кодексининг 83-моддаси);

➢ имзолар намуналари қўйилган карточкаларни қайта расмийлаштириш учун хизмат кўрсатувчи банкни.

Эътиборингиз учун. МЧЖ номидан бошқа шахслар (контрагентлар) билан тузилган амалдаги хўжалик шартномалари шартларида МЧЖ директори ўзгаргани тўғрисида маълумотлар тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, бундай мажбуриятни бажариш шарт.

2) Лицензиялар уларга лицензия шартномаларини ёки уларга тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда МЧЖ номига берилади. МЧЖ директори ўзгарганда, агар лицензия шартномасининг

ўзида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, хабардор қилиш ва (ёки) лицензия шартномаларига муайян қўшимча шартномалар тузиш талаб этилмайди.

3) ЭРИ 2 хил усулда рўйхатдан ўтказилган бўлиши мумкин:

1) ЭРИ МЧЖ номига эмас, балки МЧЖга боғланган ҳолда директор номига олинган;

2) ЭРИ МЧЖ номига олинган.

Биринчи ҳолатда ЭРИни алмаштириш, яъни Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам-

да тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо қилишнинг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламентида (ВМнинг 10.05.2018 йилдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган тартибда уни бевосита МЧЖ номига олиш лозим.

Эълолар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон, яқин ва узоқ хориж бўйлаб корпоратив, гуруҳли турлар. Тўлов – исталган шаклда. (+998) 90-189-28-09, (+998) 93-556-61-31.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон фуқароси хусусий корхона очди. Бизнесни ривожлантириш учун хорижий иштирокчи – Россия фуқаросини жалб этиш йўли билан уни МЧЖ шаклидаги ҚҚ сифатида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Россия фуқароси Ўзбекистон фуқароси улушининг бир қисmini сотиб олаётми.

Иккита жисмоний шахс – Ўзбекистон фуқароси ва Россия фуқароси ўртасида улушни сотиб олиш битими юридик жиҳатдан қай тартибда расмийлаштирилади?

ХКни МЧЖга ўзгартириш жиҳатлари

– Хусусий корхонани ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш учун бир қатор хатти-ҳаракатларни амалга ошириш зарур.

1. Хусусий корхона (ХК) мулкдори уни масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) этиб ўзгартириш йўли билан уни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Заруратга кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мумкин.

Қарор билан қуйидагиларни амалга ошириш белгиланади:

➢ ХК мулкдори унинг устав фондига илгари киритган ҳиссани МЧЖ устав фондига ҳисса деб ҳисоблаш;

➢ ХК МЧЖ этиб ўзгартирилганлиги тўғрисида барча кредиторларни хабардор қилиш;

➢ ўзгартирилган МЧЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

➢ ХК МЧЖ этиб ўзгартирилганлиги (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганлиги) муносабати билан янги ташкил этилган МЧЖ муҳри эскизини қабул қилиш ва тасдиқлаш (у мавжуд бўлган тақдирда);

➢ ХК МЧЖ этиб ўзгартирилганлигини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.

2. МЧЖ давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин унинг ягона муассиси устав фондигаги ўз улушининг бир қисmini бошқа жисмоний шахс – Россия Федерацияси фуқаросига у билан улушнинг олди-сотди шартномасини тузган ҳолда реализация қилиш (сотиш) тўғрисида қарор қабул қилади.

Қарорда реализация қилиниши лозим бўлган улуш миқдори ва қиймати ҳамда РФ фуқаросининг паспорт маълумотларини кўрсатиш зарур. Улушнинг олди-сотди шартномасида, шунингдек, битим тарафларининг реквизитлари ва паспорт маълумотлари, реализация қилинаётган улуш миқдори ва қиймати, тўлов муддати ва шартлари кўрсатилиши керак. Битим тарафларининг хоҳишига кўра улушнинг олди-сотди шартномасида бошқа шартлар ҳам қайд этилиши мумкин.

РФ фуқароси олаётган (сотиб олаётган) улуш қиймати тўлиқ тўланганидан кейин муассислар таркибига янги шахс киргани муносабати билан МЧЖ таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш зарур.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагилар тақдим этилади:

➢ МЧЖ ягона иштирокчисининг устав фондигаги ўз улушининг бир қисmini сотиш тўғрисидаги қарори;

➢ МЧЖ ягона иштирокчисининг ўз ҳиссасини тўлиқ миқдорда киритганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

➢ улушнинг ўтишини тасдиқловчи ҳужжат (улушнинг олди-сотди шартномаси ва улушни қабул қилиш-топишириш далолатномаси);

➢ давлат тилидаги янги тахрирдаги таъсис шартномаси ва МЧЖ устави;

➢ таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар (ариза, давлат бож тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати).

3. Корхона қўшма корхона деб ҳисобланиши учун:

➢ МЧЖ устав фондининг миқдори 400 000 000 сўмга эквивалент суммадан кам бўлмаслиги;

➢ Россия Федерацияси фуқаросининг МЧЖ устав фондигаги улуши устав фонди умумий миқдорининг камида 15%ини ташкил этиши керак.

Қўшимча равишда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиқишни тавсия этамиз:

➢ Фуқаролик кодекси;

➢ «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун;

➢ «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун;

➢ «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун;

➢ Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (1.08.2018 йилдаги ПФ-5495-сон);

➢ Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Азим Ажибеков, «Норма» МЧЖ эксперти.

«Қайтимига сақич олинг»...

Савдо нуқталарида майда пул билан боғлиқ муаммо ҳал этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайтида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Марказий банкнинг қўшма мурожаати нашр этилиб, унда дўконларда истеъмолчиларга қайтим ўрнига майда товарлар олиш таклиф этилган ҳолларда уларга мурожаат қилиш сўралган.

Мурожаатда айтилишича, ҳатто сотувчи номинал бўйича мувофиқ пул купюраси йўқлигини айтиб туриб олган тақдирда ҳам, истеъмолчи ўзига керак бўлмаган товарларни қайтим ўрнида олишга мажбур эмас. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас. Пул муомаласини оптимallashtiriш ва нафд пул билан ҳисоб-китоб қилиш, хусусан,

сотиб олинган товар ва хизматлар учун қайтим қайтаришдаги муаммоларни бартараф этиш учун мақбул шароитлар яратиш учун жорий йилнинг июль ойида 50, 100, 200, 500 сўмлик янги кўринишдаги тангалар муомалага чиқарилди.

Агар сотувчи қайтим қайтаришда пул билан ҳисоб-китоб қилишдан бош тортса ва унинг ўрнига нарх жиҳатдан тенг бўлмаган товарларни таклиф этса, у ҳолда истеъмолчи Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 1091 рақамли «ишонч телефони»га кўнғироқ қилиши керак бўлади.



Агар тадбиркорларга қайтим учун майда пул керак бўлса, улар ўзларига хизмат кўрсатадиган банк филиалларига мурожаат қилишлари ва зарур номиналдаги тангаларни олишлари мумкин. Банкларда 50, 100, 200, 500 сўмлик тангаларни олишда муаммо туғилса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (71) 200-00-44 рақамли «ишонч телефони»га мурожаат қилиш лозим.

Тошкент шаҳрида жамоат транспор-

ти билан боғлиқ масала очик қолмоқда. Унда пул купюрасининг керакли номинали йўқлиги баҳона қилиниб, йўловчиларга мунтазам равишда қайтим берилмайди. Бу амалиёт ҳозирги кунда аъёнага айланиб қолган, шу сабабли, кўплаб йўловчилар чиптачи-га қайтимсиз пул тўлаш учун олдиндан майда пул тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади.

ЎзА материали асосида.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ИШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН 2019 ЙИЛГА ҚЎЙИДАГИ ЙИЛЛИК ИШ ВАҚТИ ФОНДИ ҲИСОБИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Вазир ўринбосари Б.НИЗОМОВ.
2018 йил 16 ноябрь 04-09/6179-сон.

2019 ЙИЛ УЧУН ИШ ВАҚТИ МЕЪЁРИНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ

(соатларда)

Иш соатлари сони	Январь	Февраль	Март	I чорак	Апрель	Май	Июнь	II чорак	I ярим йиллик	Июль	Август	Сентябрь	III чорак	9 ойлик	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	IV чорак	II ярим йиллик	Йиллик
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	168	160	142	470	176	175	151	502	972	184	168	159	511	1483	176	168	176	520	1031	2003
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида	167	160	149	476	174	173	157	504	980	181	171	159	511	1491	174	172	172	518	1029	2009
36 соатли иш ҳафтасида	150	144	136	430	156	155	143	454	884	162	155	143	460	1344	156	156	154	466	926	1810
Иш кунлари сони																				
5 кунлик иш ҳафтасида	21	20	18	59	22	22	19	63	122	23	21	20	64	186	22	21	22	65	129	251
6 кунлик иш ҳафтасида	25	24	23	72	26	26	24	76	148	27	26	24	77	225	26	26	26	78	155	303

БАЙРАМ КУНЛАРИ:

1 январь - Янги йил;
8 март - Халқаро хотин-қизлар куни;
21 март - Наврўз байрами;
9 май - Хотира ва қадрлаш куни;
5 июнь* - Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр);
12 август* - Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа);
1 сентябрь - Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни;
1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни;
8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.

ИШ СОАТЛАРИНИНГ МЕЪЁРИ (ИШ ВАҚТИ) ҚЎЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНАДИ:

5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида:

8 соатли иш куни ва 7 соатли байрам олди иш кунлари ҳисобга олинади.

6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида:

7 соатли иш куни ва дам олишдан олдинги 5 соатли иш куни, шунингдек байрам олди кунлари 6 соатли (шанба кунига тўғри келса - 4 соатли) иш куни ҳисобга олинади.

36 соатли иш ҳафтасида:

6 соатли иш куни ва 5 соатли байрам кунидан олдинги иш кунлари ҳисобга олинади.

* Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) байрамларининг кўрсатилган кунлари бир кунга ўзгариши мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир

ўринбосари,
масъул котиб

Нодир Носирович

АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани joyлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Ҳар бир битта – А3. Ҳажми – 2 бома таёқ, Баҳоси келишган нархда.
Буюртма 492. Адади 810. Газета 2018 йил 10 декабрь соат 17.00 да топширилди.